# Хабар

XABAR

خبر

*Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги нашри*

1992 йил мартдан чиқа бошлаган • 1998 йил, 6 февраль № 5 (285) • Сотувда нархи эркин




*Фарғона шаҳар телефон тармоғида дебиторлик қарзларини камайтириш борасида бир қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу ишларда корхонанинг мижозлар билан ҳисоб-китоб бўлими бошлиғи Ольга Аркадьевна МИЛАНИДИнинг муносиб ҳиссаси бор.*

*Суратчи Т. ЛУТФУЛЛАЕВ*

## БЕЛЬГИЯЛИК ОЛИМЛАР САБОҚЛАРИ

***Тошкент электротехника Алоқа институтининг халқаро илмий алоқалари кенгайиб бормоқда. Олий ўқув юртида уюштирилаётган ўқув-таълимий жараёнларни ташкил этишда ҳам бундай яқин ҳамкорлик қўл келмоқда.***

Институтда яқинда ўтказилган туркум суҳбатлар бундай алоқаларнинг мантиқий давоми бўлди. Олий ўқув юрти олимлари бельгиялик мутахассислар билан ҳамкорликда қатор таълимий тадбирларни амалга оширмоқдалар.

Ўзаро келишувга биноан Бельгияда кўзга кўринган олимлардан профессорлар Р. Стайрес ва Ван дер Шареллар хизмат сафари билан институтга ташриф буюрдилар. Улар «Интернет назарияси ва амалиёти» номли мавзуда туркум суҳбат ва амалий машғулотларни уюштирдилар.

«Ахборот технологиясига кириш», «Интернет технологияси», «Йўриқнома ва восита», «Windows архитектураси—95» деган мавзуларда қилинган назарий чиқишлар жуда мазмунли бўлди. Шунингдек, «Ахборот технологиясига кириш», «Падител тармоғи ва аппаратлари компонентлари», «Интернет технологияси, TCP/ИР», «Интернетда ишлашда амалий дастурлардан фойдаланиш» деб номланган амалий ишлар ҳам бельгиялик профессорлар томонидан ўтказилди.

Бельгия олимларининг бу назарий ва амалий суҳбатлари институт аспирантлари, илмий тадқиқотчилари ҳамда ўқитувчиларида яхши таассурот қолдирди.

*Акбар АЛИЕВ*

## ОЛАМДА НИМА ГАП?

**•Янгиликлар•Воқеалар•Хабарлар**

***• Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номига таваллуд кунининг 60 йиллиги муносабати билан давлат бошлиқлари ва ҳукумат раҳбарларидан, таниқли сиёсатчилар, жамоатчилик вакиллари ва дунёнинг барча бурчакларидаги фуқаролардан самимий дил сўзлари изҳор этилган қутловлар келди.***

*• Давлатимиз раҳбарига тинчликни мустаҳкамлаш борасидаги улкан ютуқлари ҳамда 60 йиллик юбилейи муносабати билан Рус православ черковининг биринчи даражали «Москвалик тақводор князь Даниил» ордени топширилди.*

***• Матбуотда «Республика «Оила» илмий-амалий марказини ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори эълон қилинди.***

*• Ўзбекистон телерадиокомпанияси ўз нашрига эга бўлди. Ўзбек тилидаги «Садо» ҳафтаномасининг биринчи сони босмадан чиқди.*

***• Қирғизистон Президенти Асқар Акаев шу йилнинг апрель ойида Минскда бўладиган учрашувда Россия, Белоруссия, Қозоғистон ва Қирғизистон давлатлари ўртасидаги битим имзоланишига ишонч билдиришини айтди.***

*• Президент Ҳайдар Алиевнинг махсус фармони билан Озарбойжонда қиморхоналар, ахлоқсизликка хизмат қиладиган бошқа кўнгилочар жойлар ёпиладиган бўлди.*

***• АҚШ Президенти Билл Клинтоннинг обрўси бугунги кунда яна орта бошлади. «Ньюсуик» ҳафталиги ўтказган жамоатчилик сўрови кутилмаганда ана шундай натижани кўрсатди. Сўровда сайлаш ҳуқуқига эга бўлган американликларнинг 70 фоизи Б. Клинтоннинг фаолиятини маъқуллаган. Шуни таъкидлаш жоизки, бундай юқори рейтингга Б. Клинтон ҳали эришмаган эди.***

*• Гватемала билан Куба ўртасидаги дипломатия алоқалари яна қайтадан тикланди. Маълумки, бундан 37 йил муқаддам, яъни Кубада ҳокимиятни Фидель Кастро эгаллаганидан сўнг ушбу мамлакатлар ўртасидаги дипломатия алоқалари узилиб қолган эди.*

***• Австралия пойтахти Сиднейдан олинган хабарларга қараганда, 2000 йилда ушбу мамлакатда ўтказилиши мўлжалланган олимпиада ўйинлари учун маблағ тўплаш Осиё қитъасида содир бўлган молиявий танглик туфайли бироз мушкуллашган. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, олимпиада ўйинлари учун 2,3 миллиард Австралия доллари зарур.***

## МУКОФОТЛАР МУБОРАК!

***Алоқа тармоғини ривожлантиришга қўшган катта ҳиссаси, фидокорона меҳнати учун ҳамда 1997 йил иш якунлари бўйича бир гуруҳ алоқа ходимлари муносиб тақдирландилар.***

Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлигининг буйруғига кўра, Тошкент телефон-телеграф станцияси бош муҳандиси Артур Германович ВОЙЦЕХОВСКИЙ, «Тошкент почтаси» АЖ Бўка филиали почта бўлимининг бошлиғи Рустам Убайдуллаевич МАМАТҚУЛОВ, «Қорақалпоқ почтаси» ҲЖ директори ўринбосари Султанмурат УТЕМУРАТОВ, Тошкент шаҳар Ҳамза телефон тармоғининг кабель пайвандловчиси Рустамбек Ҳакимович ИСАМУҲАМЕДОВ, Бухоро шаҳар электралоқа боғламасига қарашли 3-АТСнинг 6-тоифали мантўри Холмурод Исмоилович ҚОБИЛОВларга Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлигининг **«МОҲИР АЛОҚАЧИ»** фахрий унвони берилди.

Шунингдек, Шаҳарлараро алоқа ва телевидение ҳудудий ишлаб чиқариш бирлашмасининг кабелчи кавшарловчиси Анвар Галимхонович ГАЯЗОВ, Тошкент телефон-телеграф станциясининг 6-тоифали электр пайвандчиси Гулмира Ибрагимовна БАЗИТОВА, Андижон вилояти давлат алоқа назоратининг катта назоратчиси Фозилжон Абабакирович РЎЗМАТОВ, Фан-техника, маркетинг тадқиқотлари Марказининг бўлим бошлиғи Виктор Петрович КОВАЛЬ, «Тошкент почтамти» АЖ Чилонзор филиали 115-почта бўлимининг бошлиғи Маъмура Саъдатовна АЛИМОВА, «Фарғона почтаси» ҲЖ бош ҳисобчиси Турсунбой Отабоевич ЁДГОРОВ, Давлат фельдъегерлик хизматининг ички хизмат катта инспектори Тоҳир Жалолович ҚУРБОНОВ, Тошкент Алоқа коллежи директори ўринбосари Жонибек Мусабекович МУСАБЕКОВ, Тошкент шаҳар Собир Раҳимов телефон тармоғининг кабел пайвандловчиси Евгений Степанович ЦВЕТИКОВ, «Самарқанд телеком» шуъба корхонасига қарашли ишлаб чиқариш техник тажрибахонасининг бош мутахассиси Жумақул Аҳрорович АБДУЛЛАЕВ, Хоразм вилояти, Хива электралоқа боғламасининг 5-тоифали электромантўри Отабой МАШАРИПОВ, Тошкент электротехника Алоқа институти проректори Мажидулла Ниғматович ОРИПОВ, Тошкент электротехника Алоқа институтининг кафедра мудири Абдулла Ғуломович АБДУНАБИЕВ агентликнинг **«ФАХРИЙ ЁРЛИҒИ»** билан мукофотландилар.

## РАҚАМЛИ КОМПЬЮТЕР ВОСИТАСИДА

Овозли ёзувларни фонограмма кўринишида тайёрлаш ўзига хос, мураккаб техник воситаларни қўллашни тақозо этади. Бу жараёнда рақамли компьютер техникаси имкониятларини қўллаш фонограммаларнинг юқори сифатли бўлишига ёрдам беради. Шу сабабли ҳам мусиқали ёзувларни тайёрлашда алоқа техникаларининг бу замонавий туридан кенг фойдаланиш бошланди. Тошкентда фаолият кўрсатаётган «Баҳор» маданий-ахборот маркази бу хайрли ишга қўл уриб, жаҳон андозаси даражасидаги юқори сифатли фонограммали дискларни кўплаб чиқаришга киришди.

Бу ерда рақамли компьютер усулида ёзиб олинган қатор дисклардан эндиликда экранда ҳам фойдаланилмоқда. Шу усулда янги ишланаётган 45 минутли бўлган лазерли диск ҳам ниҳоясига етди. У ёш санъаткор Шуҳрат Воҳидов ижрочилик фаолиятига бағишланди. Шунингдек, «Севги» деб номланган мусиқали альбомни тузишда ҳам рақамли компьютер техникаси ёрдамида иш олиб борилди.

*• 1998 йил — Оила йили*

# УСТОЗ ҲАМИША УСТОЗ

Мамасодиқ Мамаюсуповнинг ота-оналари қатағон йиллари Украинанинг Херсон вилоятига сургун қилинган. Унинг ёшлиги бегона юртларда ўтди. Бегоналар орасида не-не камситишларни кўрмади. Отаси вафот этгач, онаси билан тирикчилик ўтказиш учун Херсоннинг иссиқ тепаликларида ишлади. Немис фашистлари собиқ иттифоққа қарши уруш бошлаганда Мамасодиқнинг бўйи чўзилиб, кўзга ташланиб қолган эди. Немислар Украинани босиб олгач, зулм янада ортди. Босқинчилар ўспиринларни ҳам аямасди.

Херсон вилояти фашистлардан озод этилгач, ўн олти ёшли Мамасодиқ ҳам фронтга сафарбар қилинди. У алоқачилар сафида хизмат қилди. Алоқачилик касбини пухта ўзлаштириб олди. Уруш тугагач, Херсонга қайтди. Бу орада ўзлари сингари сургун қилинган оиланинг фарзанди Муҳаррамой билан турмуш қуришди. Фарзандли бўлишди. Унга Солижон деб исм қўйишди. Мамасодиқнинг оила аъзолари ватанга қайтиш иштиёқида рухсат сўраб аввал Херсон, сўнгра Москвадаги масъул идораларга мурожаат этишди. Ниҳоят, ватан қучоғига қайтдилар.

Уз юрти жамолини кўриб, бағри бутун бўлган Мамасодиқ Учкўприк алоқа бўлимига иш сўраб борди. Уни ўша даврда туман алоқа бўлими бошлиғи бўлиб ишлаётган Фаёз Исаевич Файзиев алоқа техниги қилиб ишга олди. Ватан қадри ўтган серғайрат Мамасодиқ Мамаюсупов фидойилиги, ҳалоллиги билан жамоада обрў-эътибор топди, цехга бошлиқ бўлди. Бугун у билан бирга ҳамнафас бўлиб ишлаган Нуъмонжон Каримов «Фарғона почтаси» ҳиссадорлик жамиятининг директори, Муҳаммаджон Каттабеков эса Учкўприк почта ҳиссадорлик жамиятининг бошлиғи бўлиб меҳнат қилишмоқда.

Учкўприк почта ҳиссадорлик жамиятига борганимда вилоят почта ҳиссадорлик жамиятининг муҳандиси Ўктамжон Эгамназаровни тасодифан учратиб қолдим.

— Мен ҳам хизмат юзасидан келгандим, — дейди Ўктамжон, — устоз отангдан улуғ деган нақл бор, устозим Мамасодиқ отани зиёрат қилиб келяпман.

1968 йили алоқа техникумини тамомлаб, Бувайда тумани алоқа бўлимига йўлланма билан ишга келганимда у кишидан жуда кўп нарсаларни ўргандим. Муҳандис бўлиб етишишимда устознинг кўмаги, ҳиссаси беқиёс.

Шу пайт «Ассалому алайкум» дея хонага истараси иссиқ отахон кириб келди. Туман почтаси ҳиссадорлик жамияти бошлиғи Муҳаммаджон Каттабеков ҳам отахоннинг олдига пешвоз чиқди. Улар қучоқ очиб кўришишди. Устоз ва шогирдлар ўртасида ўтмишга доир суҳбатлар бўлди.

— Бундай ўйлаб қарасам, — дейди отахон, — 1970-1980 йиллари аҳолига алоқа хизмати кўрсатиш сифати паст экан. Уша пайтда ҳозирги Учкўприк ва Бувайда туманлари яхлит бир туман бўлишига қарамай, қўл телефонлари сақланиб қолаётган эди. 120 рақамли учта коммутаторлар 350 га яқин мижозга хизмат кўрсатарди. Кейин янги АТСлар қурилиб, автомат станциялар сиғими 3000дан ортди. Эски радио ускуналарини янгилари билан алмаштириб, аҳолига радио хизмати кўрсатишни яхши йўлга қўйдик. Жамоамиз фидойилик билан ишлаганди.

Фарғона вилояти, Учкўприк туманида истиқомат қилаётган 75 ёшли алоқа хизмати фахрийси Мамасодиқ Мамаюсуповни Бувайда, Учкўприк туманларида алоқа хизматини ривожлантиришга салмоқли ҳисса қўшган мутахассис сифатидагина эмас, ибратли оиланинг бошлиғи сифатида ҳам яхши билишади. Фарзандлари ҳам оталари изидан боришмоқда. Ўғли Солижон, қизи Ҳамидахонлар Учкўприк туман почта ва электралоқа корхоналарида бош ҳисобчи бўлиб меҳнат қилишмоқда.

Фахрий алоқачи Мамасодиқ ота Мамаюсуповнинг алоқа соҳасидаги хизмати, сермазмун ҳаёти ёшлар учун ибратдир.

**Қаюмжон ТУРСУНОВ,**
**Фарғона вилояти**



*Бахтиёр ДАВЛАТЁРОВ Хоразм вилояти алоқа корхонасига ишга келганида эндигина 16 ёшга тўлган ўсмир эди. Шунга ҳам 37 йил бўлибди. Ўтган давр мобайнида алоқа техникаси ҳам, иш услублари ҳам тубдан ўзгарди. Бахтиёр ака шу ўзгаришларнинг бевосита иштирокчиси ва ижрочиларидан бири бўлди. Бугун кўплаб шогирдларнинг устози, Шовот туман электралоқа боғламасининг 6-тоифали электромантёри Бахтиёр ака ҳамон сидқидилдан меҳнат қилмоқда.*

*Суратчи Т. ЛУТФУЛЛАЕВ*

**ТАБРИКЛАЙМИЗ!**

«Фарғона почтаси» акционерлик жамияти Тошлоқ филиали жамоаси «Қўрғонча» алоқа бўлими почтачиси **Аминжон МИРЗАЕВни** 60 ёши билан чин дилдан қутлаб, унга сиҳат-саломатлик тилайди.

* * *

Ҳурматли

МУРУВВАТХОН!

Сизни 7 февраль — 50 ёшга тўлишингиз билан чин юракдан табриклаймиз. Сизга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, оилангизга бахт тилаймиз.

**Тошкент шаҳар «Матбуот тарқатиш уюшмаси» АЖ жамоаси**

* * *

Ҳурматли Ўткир ака АКБАРОВ!

7 февраль — таваллудингизнинг 60 йиллиги билан чин дилдан қутлаймиз. Ҳаётнинг 40 йилдан ортиқроғини пойтахтимиз аҳолисига зиё тарқатишдек ишга бахшида этган сиздек инсон билан фахрланамиз. Сизга узоқ умр, оилангизга бахт-саодат тилаймиз.

***Тошкент шаҳар «Матбуот тарқатиш уюшмаси» АЖ жамоаси***

*• Алоқа матбуот кўзгусида*

## СЎЗ ЎРНИГА... ЧИРОҚ

Бразилияда кар ва соқовлар учун телефонлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бундай телефонларни яратишда ихтирочилар Морзе алифбосидан фойдаланишди. Ҳар бир абонент учун ўрнатиладиган блок панелига турли рангдаги учта лампочка жойлаштирилган бўлиб, телефон орқали сўзлашаётган пайтда лампочкаларнинг бири суҳбат тамом бўлгунча ёниб туради. Қолган лампочкалар эса Морзе алифбосининг нуқта ва тиреларига мувофиқ равишда «милт-милт»лаб ёниб ўчиб туради.

Бу янги телефон аппаратига буюртмалар жуда кўп тушмоқда. Ҳатто уни яратган ихтирочилар ҳам бундай натижани кутмаган эдилар.

## АЙТСАНГИЗ БАС...

Американинг «Белл» корпорацияси ўз харидорларига янги телефонларни тавсия этдилар. Корпорацияда яратилган телефонда рақам терилмайди, унга оғзаки буйруқ берсангиз бас... Агар сиз «полиция» ёки «тез ёрдам» сўзини овоз чиқариб айтсангиз, телефоннинг ўзи керакли рақамни бир зумда теради. Унинг хотирасига энг керакли 36 атама жойлаштирилган. Улар киши ҳаётида доимо керак бўладиган ташкилот ёки шахсларнинг номлари бўлиши мумкин, бу нарсани мижознинг ўзи танлайди.

## ЧЎНТАККА СИҒАДИ

Венгрия почтаси чўнтакка сиғадиган митти телефон ишлаб чиқаришни режалаштирди. Катталиги оддий чақмоқтошдай бўлган ультрақисқа тўлқинли радиоприёмник марказий диспетчерлик пункти ёрдамида хоҳлаган жой билан боғланиш имконини беради.

**ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН АКЦИЯДОРЛИК-ТИЖОРАТ**

# «АЛОҚАБАНК»

## АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«Алоқабанк» ўз акциядорларига 1997 молия йили якунланганлигини билдиради ва акциядорларнинг умумий йиғилиши

*1998 йил 6 мартда соат 10.00 да*

Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлигининг мажлислар залида ўтказилишини маълум қилади.

Қатнашчилар шу куни соат 9.30 дан бошлаб зал пойгоҳида рўйхатга олинади.

**Кун тартиби:**

1. «Алоқабанк»нинг 1997 йил иш якунлари ва банк фаолиятининг Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг Олий Мажлис X-сессиясидаги маърузасидан келиб чиқувчи 1998 йилги асосий йўналишлари тўғрисида.
2. Банкнинг 1997 йил даромадлари ҳақидаги йиллик балански ва ҳисоботини тасдиқлаш.
3. «Алоқабанк» тафтиш комиссиясининг ҳисоботини тасдиқлаш.
4. «Алоқабанк» Уставига киритилган қўшимча ва ўзгартиришлар ҳақида.
5. Бошқа масалалар

Ҳурматли акциядорлар!

Йиғилишни тайёрлаш ва ўтказишда Сиз фаол иштирок этиб, «Алоқабанк» фаолиятини янада юксалтириш ҳақида таклиф ҳамда мулоҳазалар билдирасиз, деган умиддамиз.

***Маълумот учун телефонлар:***
***133-62-54, 136-76-86, 136-10-21***
***«Алоқабанк» бошқаруви***

«Хабар» газетаси жамоаси газетамизнинг Наманган вилоятидаги жамоатчи мухбири А. Тўйчибоевга онаси **РАОСОМАТХОН аянинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.



# АЛОҚАЧИ ҲАМРОҲИ

## КАДРЛАР СИФАТИГА ЭЪТИБОР — СОҲА КЕЛАЖАГИГА ЭЪТИБОРДИР

***Ўтган 1997 йил Ўзбекистон йилномасида кадрлар тайёрлаш бўйича таълим-тарбия тизимини тубдан ўзгартириш, уни замон талаби даражасига кўтариш масаласи борасида муҳим йил бўлганлиги алоҳида қайд этилди. Олий Мажлиснинг IX-сессиясида Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури қабул қилинди, таълим соҳасининг стратегик мақсадлари аниқлаб берилди.***

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Кармовнинг ана шу сессияда «Баркамол авлод — Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори» мавзусида сўзлаган нутқида: «... жамиятимизнинг янгиланиши, ҳаётимизнинг тараққиёти ва истиқболи амалга оширалаётган ислоҳотларимиз, режаларимизнинг самараси тақдири — буларнинг барчаси, авваламбор, замон талабларига жавоб берадиган юқори малакали онгли мутахассис-кадрлар тайёрлаш муаммоси билан чамбарчас боғлиқлигини барчамиз англаб етмоқдамиз» деди. Бу дастурий вазифани белгилашда ўта муҳим омил бўлди.

Президентимиз сўзларининг амалий тасдиғи тариқасида Ўзбекистон Республикасининг 1998 йилги давлат бюджетида биринчи навбатда маблағ билан таъминланадиган йўналишлар қаторида Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг ҳам назарда тутилганлиги бежиз эмас.

Ўзбекистон почта ва телекоммуникация соҳасини ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси фаолиятининг асосий уч вазифаларидан бири сифатида мутахассисларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини ривожлантиришни маблағ билан таъминлашда қатнашиш деб қайд этилиши ҳам кадрлар тайёрлаш фаолиятимизнинг устивор йўналишларидан бири эканлигини англатади. Агентликнинг Мутахассисларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашни ташкил этиш бўлимининг номидаёқ унинг мақсад ва вазифалари аниқ кўрсатиб ўтилган.

Олий Мажлисда таълим соҳаси бўйича дастурий ҳужжатлар қабул қилиниши, Ўзбекистон Республикасининг янги Меҳнат Кодексининг эълон этилиши, Алоқа вазирлиги негизида Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлигининг ташкил этилиши, тармоқ корхоналарининг акциядорлик компанияларга айлантирилиши ва бошқа ўзгаришлар бўлим ходимлари олдига янги вазифалар қўйди, бу вазифаларни бажариш учун олиб бориладиган иш услуби ва мазмунини замонавийлаштиришни тақозо этди.

Ўзбекистонда давлатни демократлаштириш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, корхоналарни хусусийлаштириш борасида амалга оширилаётган ўзгаришлар кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш соҳасига қандай вазифалар юклади, бу вазифаларни бажариш жараёнида қандай муаммоларга дуч келиняпти, бу борадаги муаммоларнинг келиб чиқиш сабаблари нимада, уларни бартараф этиш учун мутахассислар тайёрлайдиган ўқув юртлари ва шу мутахассислар бориб ишлайдиган корхона, ташкилот ва муассасалар ўз ишларини қандай ташкил этишлари лозим? Ана шу саволларга ўз вақтида, аниқ жавоб бериш тармоқнинг келажаги порлоқ бўлиши учун қайғураётган ҳар бир жисмоний ва юридик шахснинг кундалик фаолиятида бажарилиши лозим бўлган асосий ишлардан бири бўлмоғи даркор.

Ҳозирги кунда алоқа соҳаси ўқув юртлари ҳамда уларни тугатган ёш мутахассисларга муҳтож корхоналар қуйидаги муаммоларга дуч келишяпти:

— ўқув юртларини тугатган ёш мутахассисларнинг аксарияти республика вилоятларидаги алоқа корхоналарида ишлашни исташмаётгани;

— ишга жойлашган ёш мутахассислар малакасининг етишмаслиги, лавозим вазифаларини тўлиқ бажаришга тезда киришиб кетолмасликлари;

— ўқув юртлари мутахассисликларининг малака тавсифномалари корхоналардаги лавозим талабларига доимо тўғри келавермаслиги;

— корхоналарнинг яқин келажакда ўзларида мавжуд лавозимлар бўйича ёш мутахассисларга бўлган эҳтиёжларни ўрганмасликлари, умуман, бундай эҳтиёжни ўрганиш борасида услубий қўлланмалар ишлаб чиқилмаганлиги ва бошқалар.

Илгари ёш мутахассисларни ишга тақсимлаш тизими мавжуд эди. Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан сўнг бу тизим бекор қилинди, жумладан, 1996 йил янги Меҳнат Кодекси кучга кирганидан кейин мажбурий меҳнат узил-кесил инкор этилди. Бу ёш демократик республикамизнинг инсон ҳуқуқини ҳимоялаш йўлидаги илдам қадамларидан бири ҳисобланади.

Бундай шароитда нимага эътибор бериш керак, ишни қандай ташкил этиш лозим?

Биринчидан, вилоятлардаги корхоналар ўзларини ёш мутахассислар билан таъминлаш ишини анча аввал — бўлажак мутахассис ўрта мактабда ўқиб юрган даврдан бошлашлари лозим. Улар ўз ҳудудларидаги ўрта мактаблар юқори синфларининг иқтидорли ўқувчиларини лицейларга жойлаб ёки тайёрлов курсларида ўқитиб, олий ёки ўрта махсус ўқув юртларига кириш синовларидан муваффақиятли ўтишларини ташкил этишлари керак.

Иккинчидан, корхона, ўқув юрти ва абитуриент ўртасида тузилган уч ёқлама контракт асосида ўқишга кираётган абитуриентнинг контрактдаги мажбуриятига, унинг розилиги билан ўқишни битиргандан кейин корхонада камида 3 йил ишлаб бераман деган бандни киритиб қўйиш ва вақти келганда шу мажбуриятнинг бажарилишини талаб этиш лозим.

Учинчидан, вилоят корхоналарининг ўша вилоятдан келиб, грант асосида ўқиётган талабалар билан иш олиб боришлари, корхона фаолияти, келажаги тўғрисида суҳбатлар ўтказишлари, кези келганда моддий ва маънавий қўллаб, ўқишни битирганидан кейин ўша ерга бориб ишлашга розилик беришига тайёрлаб боришлари даркор.

Ўқув юртларини битирган ёш мутахассисларнинг ишга жойлашганларидан сўнг вазифаларини тўлиқ бажариб кетолмасликларига асосий сабаб — уларга ўқув юртларида етарли назарий ва амалий билим берилмаслигидир. Ҳозирги даврда алоқа корхоналари замонавий техника ва технология билан жиҳозланаётган шароитда талабаларга юқори малакали профессор ва ўқитувчиларнинг дарс беришлари етарли эмас, уларнинг талаб даражасида билим олишлари учун ҳозирги замон моддий-техника базаси ва тегишли ўқув-услубий адабиётлар лозим бўлади. Ўқув юртларида бундай шароитни яратиш учун катта маблағ талаб этилади. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида қайд этилишича, бу мақсадлар учун республика бюджетидан маблағ ажратилиши кўзда тутилган, шу билан бирга, Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги ва алоқа корхоналари ўз моддий ёрдамларини имконият борича аямаяптилар. Лекин ўқув юртлари боқимандалик кайфиятидан халос бўлиб, ўзлари ҳам бюджетдан ташқари маблағ топиш имкониятларини ишга солишлари керак. Бунинг учун ўқув юртларининг профессор-ўқитувчилари илмий-техник имкониятлари, ўқув ва илмий тажрибахоналар моддий-техник потенциали, ўқув биноларининг бўш майдонларини ишга солиб, чет эл фирмалари билан қўшма ва кичик корхоналар тузиш, илмий-техник изланишлар натижаларига муҳтож харидорлар топиш, қолаверса, чет эл фирма ва қўшма корхоналари билан шартнома асосида ўқув ва сервис марказларини ташкил этиш ҳамда улар олиб келган янги техника ва технологиядан ўқув жараёнида фойдаланишлари лозимдир.

Юқорида келтирилган яна бир катта муаммо — ўқув юртларимиздаги мутахассисликлар турларини тармоқ талабларига жавоб берадиган даражага кўтаришдир. Бу муаммони ҳал этишда аввало ўқув юртларидаги мавжуд мутахассисликларнинг қайишқоқлигини ошириш. Ҳозирги таълим тизимида бунга жуда яхши шароит яратилган, масалан, олий таълим тизимидаги бакалавиатурадан кейин магистр тайёрлаш ўқув режа ва фан дастурларини корхоналарнинг 1-2 йилдан кейинги талаблари даражасида ўзгартириш мумкин. Бу тадбир ўқув юрти битирувчилари ишга жойлашганларидан кейин ўз вазифаларини бажаришга тезда киришиб кетишларини таъминлайди.

Замон талабига кўра, ўқув

***(Давоми 4-бетда.)***



***Бухородаги ўн минг рақамга мўлжалланган 3-АТС мижозлари ҳақидаги барча маълумотлар компьютерга киритилган. Бу «ақлли машина»лар операторнинг «буйруғи» билан саноқли дақиқалар ичида абонентнинг манзили, ҳисоб-китоб ишлари тўғрисида ва бошқа кўплаб маълумотларни айтиб беради. Компьютернинг ана шу имкониятларидан 3-АТС оператори Рима АҲМЕДОВА унумли фойдаланишга ҳаракат қилади.***

***Суратказ Т. ЛУТФУЛЛАЕВ***

## РАҚАМЛИ УНИВЕРСАЛ АТС

***Кўпгина корхона ва ташкилотлар ўзларининг эскирган АТСларини алмаштириш муаммосини бошларидан кечирмоқдалар. Гарчи танлаш имконияти катта бўлишига қарамай, ҳамма АТСлар ҳам барча талабларга жавоб беравермайди.***

«МТА» (Санкт-Петербург) телефон компанияси уч йил муқаддам рақамли АТСини ишлаб чиқаришни йўлга қўйган эди. Ҳозир бу ўзига хос рақамли АТС алоқани ташкил этиш борасида кўпгина муаммоларни ҳал этишга қодир. Жумладан, шу турдаги АТСлар қуйидаги афзалликларга эга:

— Икки, уч, тўрт, олти симли боғловчи линиялар ва ИКМ-30 қурилмаси билан ишлай олиши, иккита симли линия билан эса идоравий АТС сифатида ишлай олиши.

— Станция сиғимини осонликча 20 дан 300 гача етказиш имконини берувчи модул-блок тарзидаги қурилиши.

— Қўшимча хизмат турларининг кўплиги (50 тагача), шу жумладан бир вақтнинг ўзида 30 тагача абонент билан телефонда мажлис ўтказиш имконининг мавжудлиги, сўзлашув нархини ўзи ҳисоблаб чиқиши.

— Нархининг юқори эмаслиги.

— Ишлатишнинг осонлиги: АТСни доимий назорат қилиб туришга ҳожат йўқлиги, телефон аппаратларининг истаган туридан фойдаланиш мумкинлиги, зарурат туғилганида иш дастурини осонликча ўзгартириш мумкинлиги, ҳажмининг кичиклиги (520х360х160 мм) ва оғирлигининг 16 кг дан ошмаслиги сабаб ҳар қандай хонада жойлаштириш мумкинлиги.

Булардан ташқари, тезкор алоқа турида (128 тагача абонент бўлган ҳолда) фойдаланиш имконияти мавжуд. Чет элларда чиқадиган АТСлар билан қўшимча жиҳозларсиз боғланиши мумкин. АТС М-100 дан қишлоқ АТСи сифатида фойдаланиш янада самаралироқдир.

«МТА» компанияси АТСнинг янада сифатлироқ, сиғими каттароғи устида иш олиб бормоқда. 2000 абонентга мўлжалланган АТС ҳам оммавий ишлаб чиқаришга тахт қилиб қўйилди.

***Т. ЛУТФУЛЛАЕВ тайёрлаган***

# ОБУНА ЯКУНЛАРИ

Почта соҳаси ходимлари зиммасига юклатилган шарафли ва масъулиятли вазифалардан бири газета ва журналларга обуна ташкил қилиш ва уларни ўз муштарийлари қўлига қисқа муддатларда етказиб беришни таъминлашдир. Маълумки, 1998 йил даврий нашрларига ўтказилган обуна мавсуми якунланди. Бугунги кунда унинг якунларига бир назар ташлаб, эришилган ютуқ ва йўл қўйилган камчиликларни таҳлил қилиш фойдадан холи бўлмайди.

Республика газета ва журналларига 1998 йилда обуначилар сони ўтган йилга нисбатан 140 фоизга, жумладан газеталар бўйича 123,4 фоизга, журналлар бўйича 155,8 фоизга кўпайди. Яна бир муҳим кўрсаткичлардан бири 1000 кишига обуначилар сони ўтган йили 52,1 ни ташкил қилган бўлса, 1998 йил 64,6 ни ташкил қилди.

1-жадвалда келтирилган обуна бўйича кўрсаткичларга назар ташласак, Самарқанд, Навоий, Наманган, Жиззах, Фарғона, Сирдарё, Сурхондарё вилоятларида юқори натижаларга эришилганини кўрамиз. Бу фақатгина почта ходимларинигина эмас, балки таҳририятлар, ҳокимликлар, корхона ва ташкилот раҳбарларининг сайъ-ҳаракатлари натижасидир.

Республикамиз мустақилликни қўлга киритган дастлабки йилларда, бозор иқтисодиётига ўтиш даврининг объектив қийинчиликлари туфайли матбуотга бўлган талаб кескин камайиб кетган эди. Республика газета ва журналларига обуначилар сони динамикасидан (2-жадвал) кўриниб турибдики, бу камайиш 1996 йилгача давом этиб, 1997 йилдан бошлаб кўтарилиш бошланди.

Обуна жараёнига салбий таъсир кўрсатаётган омиллардан бири обуна нархларининг ошиб боришидир. 1998 йилда обуна нархлари ўтган йилга нисбатан 1,5 — 2,5 марта ошиб кетди. Бунинг асосий сабаблари таҳририятлар харажатларининг 140 фоиздан 400 фоизгача ошиб кетганидир. Сараловчи корхоналар нархлари ўтган йил даражасида қолди. «Ўзбекистон почтаси»нинг обуна ташкил қилиш, воситачилик тарифи ўтган йилга нисбатан 10 фоизга камайди. Халқаро почтамтнинг нашрларни вилоятларга самолёт орқали етказиб бериш тарифлари 120 фоизга, темир йўл орқали 130 фоизга ошди. Вилоят акционерлик жамиятларининг обуначиларга етказиб бериш тарифлари ўртача 140 фоизга ошди. Лекин шунга қарамай обуначилар сонининг ошиб бориши халқимизнинг маънавий камолотга, илму-маърифатга ташна эканлигини кўрсатади.

Республикамиз матбуоти ходимлари газета ва журналларнинг қизиқарли ва мазмунли бўлиши учун астойдил изланмоқдалар. Биз почта ходимларининг вазифаси обуна жараёнини тўхтатмасдан, йил давомида юқори суръатлар билан олиб бориш, газета ва журналларни ҳар бир хонадон, ҳар бир корхона ва ташкилотга, мактаблар, жамоа хўжаликларига ўз вақтида, сифатли етиб боришини таъминлашдир. 1998 йил обуна мавсумининг ўзига хос хусусиятларидан бири шу бўлдики, жамики почта ходимлари корхона бошлиғидан тортиб то хат ташувчигача обуна ишига сафарбар қилинди. Бундан кейин ҳам обунанинг сиёсий аҳамияти, почта иқтисодиётидаги мавқеи ортиб бораётганини ҳисобга олиб, бу тадбирни давом эттириш лозим.

Матбуот тарқатиш борасида ҳали етарли ишга туширилмаган имкониятлардан бири газета ва журналлар чакана савдосини жонлантиришдир. Бунинг учун почтамтлар ва алоқа бўлимларида керакли шарт-шароитлар яратиш, уларни эстетик дид билан жиҳозлаш, аҳоли эътиборига сотувда доимо янги газета ва журналларни ҳавола этиш керак.

Мамлакатимизда кечаётган янгиланиш палласида матбуотнинг янгича қиёфа, янгича мазмун касб этиши биз почта ходимларидан халқимизга янада сифатлироқ хизмат кўрсатишни, газета ва журналларни муштарийлар қўлига тезроқ етиб боришини таъминлашни талаб этади.

***Абдусаттор ОРТИҚОВ,***
***«Ўзбекистон почтаси» давлат акционерлик компанияси Бош директорининг ўринбосари***

**1998 ЙИЛ РЕСПУБЛИКА ГАЗЕТА ВА ЖУРНАЛЛАРИГА ОБУНА БЎЙИЧА МАЪЛУМОТ**

| | ВИЛОЯТЛАР НОМИ | 01.01.97й | 01.01.98й | % ҳисобида | 1000 кишига обуначилар сони | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | 1997й | 1998й |
| 1. | Тошкент шаҳри | 121522 | 142178 | 116.9 | 68.7 | 67.2 |
| 2. | Тошкент | 86841 | 118131 | 136.0 | 40.7 | 51.9 |
| 3. | Хоразм | 72015 | 94484 | 131.2 | 65.0 | 76.3 |
| 4. | Қорақалпоғистон | 55065 | 68049 | 123.6 | 43.4 | 47.8 |
| 5. | Бухоро | 58233 | 78138 | 134.2 | 47.8 | 57.8 |
| 6. | Навоий | 29902 | 45869 | 153.4 | 47.0 | 60.7 |
| 7. | Самарқанд | 119413 | 195890 | 164.0 | 53.2 | 77.8 |
| 8. | Сирдарё | 32555 | 46340 | 142.3 | 58.3 | 72.7 |
| 9. | Жиззах | 53268 | 77933 | 146.3 | 65.4 | 86.5 |
| 10. | Фарғона | 121022 | 173606 | 143.4 | 53.6 | 68.8 |
| 11. | Андижон | 84461 | 110611 | 130.9 | 45.2 | 53.6 |
| 12. | Наманган | 101876 | 152681 | 149.8 | 62.5 | 84.3 |
| 13. | Қашқадарё | 67424 | 93677 | 138.9 | 38.5 | 46.7 |
| 14. | Сурхондарё | 69825 | 99348 | 142.3 | 49.7 | 61.8 |
| 15. | Республика ташқарисига | 57 | 6 | | | |
| 16. | Редакциялардан | 755 | 719 | | | |
| | Жами | 1074251 | 1500598 | 139.6 | 52.1 | 64.6 |

• 1-жадвал

Республика газета ва журналларига обуначилар сони динамикаси
(1993 – 1998 йиллар)
(мингта обуначи)




•2-жадвал

(Давоми. Боши 3-бетда.)

юртларида ишлаб чиқариш эҳтиёжига мос равишда, ўз вақтида, кечикмасдан янги мутахассисликларни очиш зарурдир. Масалан, республика алоқа корхоналарида рақамли технологиянинг жорий этилиши ўқув юртларимизда тайёрланаётган анъанавий мутахассисларга бўлган талабни тушириб юборди. Бошқа томондан, корхона, ташкилот ва бошқарув органлари орасидаги ахборот алмашиш, керакли ахборотни излаб топиш, уни қайта ишлаш каби жараёнларни автоматлаштириш масаласи тармоқ олдига мутахассисларни етказиб бериш муаммосини қўймоқда. Бу ерда гап «Информатика» йўналиши мутахассисликлари устида боряпти. Республиканинг барча тармоқлари, айниқса, алоқа тармоғига информацион тизим ва тармоқларнинг кескин кириб келиши ТЭАИда «Информатика» йўналишидаги мутахассисликларни очиш вақти келганлигидан далолат бермоқда. ТЭАИга университет мақомини бериб, уни Тошкент информатика ва телекоммуникациялар университети деб аташ тўғрисидаги Ҳукуматга билдирган таклифимиз бундай мутахассисликлар очиш жараёнини тезлаштиради деган умиддамиз. Ушбу муаммолар Тошкент Алоқа коллежида ҳам бор. Ҳеч қайси ўқув юртида тайёрланмайдиган «Почта алоқаси техниги» мутахассисини тайёрлаш коллежда 1998 йилдан бошлаб тикланаяпти. Умуман, ҳозирги кунда коллежда ана шу «Почта алоқаси» мутахассислигидан ташқари почтага тегишли бошқа мутахассислик мавжуд эмас. Ваҳоланки, дунёнинг ривожланган мамлакатларида почтанинг ўнлаб хизмат турлари мавжуд, уларда турли мутахассислар хизмат қиладилар. Коллеж раҳбарияти республикадаги почтани бошқариш органлари билан ҳамкорликда дунё тажрибасини ўрганиб, почтанинг турли хизматларини ташкил эта оладиган кадрлар тайёрлайдиган мутахассисликлар очиш тўғрисида амалий ишларни олиб бориши керак.

Бошқаришда маъмурий-буйруқбозлик, режалаштириш тизимлари ўрнини бозор иқтисодиёти муносабатлари эгаллаб борган сари халқ хўжалигининг мутахассисларга бўлган эҳтиёжини бир неча йил олдин таҳлил қилиб, талаб этилган аниқликда кўрсатиб бериш қийинлашиб боряпти. Натижада, ўқув юртлари мутахассислар сони ва мутахассисликлар тури бўйича ўз истиқболларини аниқлай олмаяптилар. Бу ўз навбатида, ёш мутахассисларнинг керагидан ортиқ тайёрланишига ёки етарли миқдорда тайёрланмаслигига ёхуд баъзи мутахассисликлар бўйича кадрлар умуман тайёрланмаётганлигига олиб келяпти. Бундай аҳвол алоқа корхоналарининг кадрларга бўлган талаби истиқболини аниқлаб бериш услубини илмий асосда ишлаб чиқиш ва шу асосда эҳтиёжни аниқлаш зарурлигини тақозо этяпти.

Кадрларни қайта тайёрлаш бўйича ҳам бажарилмаётган ишлар мавжуд. Масалан, охирги йилларда таълимнинг меъёрий ҳужжатларида иккинчи мутахассислик олишга рухсат берилган, лекин бу имкониятдан алоқа соҳасида деярли фойдаланилмаяпти. Кейинги даврда республикамиз алоқа корхона ва муассасаларида шундай мутахассислар ва раҳбар ходимлар ишлашяптики, уларнинг дипломларидаги мутахассисликлари эгаллаб турган лавозимларига мутлақо тўғри келмайди. Улар ўз ишларининг амалий томонини яхши билишади, лекин назарий билимлари етишмайди. Бундай тоифадаги мутахассис ва раҳбарларни ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда иккинчи мутахассисликни эгаллашга йўналтириш лозим.

Кадрлар малакасини оширишнинг ҳам ўзига яраша муаммолари бор. Бу борада корхона, ташкилот ва муассасалар томонидан бир ёки бир гуруҳ мутахассисларнинг малакасини ошириш лозим, малака ошириш мавзуси мана бундай бўлиши керак, у шунча давом этиши керак деган таклифлар умуман тушмаяпти. Улар асосан таклиф этилган малака ошириш курсларига ўз мутахассисларини юборяптилар. Ўзларига керак мавзуда семинарлар ташкил этиш ҳақида таклифлар киритмаяптилар.

Чет элларда малака оширишни ташкил этиш жараёнидаги энг қийин масала мутахассисларни чет тилини билмасликлари масаласидир. Чет эллардан келган таклифларнинг деярли 90 фоизида чет тилини биладиган мутахассислар талаб қилинади. Шу масала ҳал этилмагани сабабли жуда кўп, бизлар учун ўта зарур чет эл таклифларига рад жавоби беришга тўғри келди. Шу сабабли, чет тилига ўргатишни нафақат ўқув юртларида такомиллаштириш зарур, балки корхона, ташкилот ва муассасаларда ҳам тезда ва жиддий йўлга қўйиш лозим.

Юқорида қайд этилган муаммоларни ҳал этиш учун ўқув юртлари билан ишлаб чиқариш корхоналарининг интеграцияси самарадорлигини ошириш, интеграция мазмунига ҳар йили ўша йил талаби асосида керакли ўзгартиришлар киритиш, интеграция аъзоларининг мажбуриятларини ўз вақтида, сифатли бажарилишини бошқарув органлари томонидан назорат этиб туриш, мураккаб масалаларни ҳал этиш учун малакали мутахассислар ва тажрибали ходимлардан ишчи гуруҳларини тузиш, лозим бўлганда илмий тадқиқотлар ўтказиш ва изланиш натижаларини илмий асослаб бериш мақсадга мувофиқ бўларди.

Мақолада келтирилган муаммоларни ҳал этиш учун республика алоқа соҳаси ишини мувофиқлаштириш органининг мутасаддилари, ўқув юртларининг жамоалари ва ёш мутахассислар бориб ишлайдиган корхона, ташкилот, муассасалар раҳбариятлари томонидан ҳамжиҳатлик билан, режа асосида, илмий асосланган ҳолда иш олиб борилса, тармоққа ҳозирги замон талабларига жавоб берадиган мутахассислар етказиб бериш борасида аниқ ҳаракат қилинган бўлур эди.

# КАДРЛАР СИФАТИГА ЭЪТИБОР — СОҲА КЕЛАЖАГИГА ЭЪТИБОРДИР

***Равшан АСҚАРОВ,***
***Мутахассисларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашни ташкил этиш бўлими бошлиғи***
***Зикрилла ЮСУПОВ,***
***бўлим бошлиғи ўринбосари***

# ФАЗОВИЙ ТАДҚИҚОТЛАР МАРКАЗИ

Янги — XXI аср фан ва техника тараққиёти соҳасида ҳам улкан кашфиётлар даври бўлади. Коинот сирларини ўрганиш, сунъий йўлдошларнинг янги парвозларини амалга ошириш йўлида дастурий режалар ҳам босқичма-босқич рўёбга чиқади. Бундай техник жараёнлар, шубҳасиз, сунъий йўлдошлар ёрдамида кўплаб суратлар олиш имконини ҳам беради. Ана шундай фазовий тадқиқотларни ўрганиш, коинотдан олинган турли маълумотларни таҳлил этишдек муҳим ишга ўзбек мутахассислари ҳам ўз ҳиссаларини қўшишлари табиий. Республикамизда «КОФУТИС» Ўзбекистон—Франция марказининг очилиши нур устига аъло нур бўлди.

Тошкент Давлат техника университети қошида ташкил топган мазкур марказнинг юзага келишида Франциядаги Пьер ва Мария Кюри университетининг Париж-VI олий ўқув юрти ўзбек мутахассислари билан бамаслаҳат иш тутди. Тошкент Давлат техника университети Франциядаги бу олий ўқув юрти билан ўзаро ҳамкорлик ўрнатганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Шу яқин муносабат туфайли университет «Брефак» француз фирмаси билан ҳам алоқа боғлади.

Янги марказ сунъий йўлдошлар орқали олинган суратларни алоқа-техник йўли билан таҳлил этишни кенг йўлга қўйиш мақсадида «Ландсат» (Америка), «СПОТ» (Франция) сунъий йўлдошлари етказиб берган фазовий суратларни ҳам ўрганишга киришади.

Янги марказ «Ўзбеккоинот» агентлиги билан ҳам ҳамкорлик қилмоқда. Бу эса қатор йирик лойиҳаларнинг юзага келишига ёрдам беради. Тузиладиган хариталар эса қишлоқ хўжалигида, экологияда содир бўладиган ҳодисаларни олдиндан туриб аниқлаш учун мустаҳкам замин бўлиб хизмат қилади. Марказ жойларда ўз бўлинмаларига ҳам эга бўлади.

**А. АЛИЕВ**

**"Алоқачи ҳамроҳи" —"Спутник связиста" илова саҳифаларига Т.ЛУТФУЛЛАЕВ, Х. СОАТОВ масъулдир.**



# СПУТНИК СВЯЗИСТА

## ТЕЛЕФОН В МОЕЙ КВАРТИРЕ

В любом доме телефон — это друг и помощник для каждого в семье: одним решать служебные вопросы, другим развивать бизнес, а всем вместе — облегчать жизнь, делать ее более комфортной. К телефону мы так привыкаем, что это становится одной из важных граней повседневного бытия — звоним, переговариваем, доверяем ему тайны и новости, получаем свежую информацию... И зачастую не замечаем, что телефон так много помогает. А стоит только ему замолчать, испортиться — мы тут же вспоминаем о нем, о тех людях, от кого зависит его исправная работа.

Между тем, телефон, подключенный к сети, это сложнейшее научно-техническое устройство, работа которого обеспечивается при соблюдении определенных правил эксплуатации. И пользования тоже!

А что мы знаем о правилах пользования телефоном? Пожалуй, немного! А ведь существуют «Правила пользования местной телефонной связью Республики Узбекистан», которые утверждены приказом Министра связи РУз за №154 от 25.04.97 года. Они прошли через стадию согласования в Комитете по демонополизации и развитию конкуренции при Министерстве финансов Республики Узбекистан, зарегистрированы в Министерстве юстиции. Были опубликованы в печати. И все-таки возникает много вопросов по применению этих правил.

Так, участница второй мировой войны, проживающая в Ташкенте, В. И. Скурикина спрашивает, на кого распространяются льготы по установке телефона на квартире. Перечень лиц, пользующихся льготами при установке телефона, приведен в упомянутых «Правилах». Оснований для этого предусмотрено более двадцати. Напомним о них:.

— Инвалиды I группы.

